

ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Х. Н. Хакимов

Бухоро давлат университети катта ўқитувчи

АННАТАЦИЯ

Мақолада интеграцион курснинг мақсади ва вазифалари мактаб табиий-илмий таълим системаси, билимнинг интеграциялашган тармоғи, интеграциялашнинг усул ва воситалари, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси кўп функцияга эгаллиги тавсифланади.

Калит сўзлар: тарбия, педагогика, маънавият, ахлоқ, интеграция.

THEORETICAL FUNDAMENTALS OF INTEGRATION OF PHYSICAL AND SPIRITUAL AND ETHICAL EDUCATION

Kh. N. Khakimov

Senior teacher, Bukhara State University

ABSTRACT

The article describes the goals and objectives of the integration course, the system of natural science education at school, the integrated network of knowledge, methods and tools of integration, the level of student mastery performs many functions.

Keywords: education, pedagogy, spirituality, ethics, integration.

КИРИШ

Баркамол шахсни тарбиялаш, Республикамизда кадрлар тайёрлашни давр талаби даражасига кўтариш, таълимнинг ривожланётган бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган механизмини яратиш, унинг мазмунини такомиллаштириш, тарбиячи ва тарбияланувчилардаги таълим тарбия жараёнига бўлган муносабатни, қарашларни шакллантириш каби масалаларни қамраб олган ҳолда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Сўнги ўн йилликлар ичида таълим фалсафаси шундай илмий йўналишга айландики, у инсоннинг таълим олиш жараёнида яхлит интеллектуал

ривожланиши ҳақидаги саволга жавоб таклиф этмоқда. Инсоннинг таълим олиш жараёнидаги комплексли ривожланиши таълимнинг предметли мазмуни томонидан бузилган. Таълим олаётган ёш инсоннинг ривожланиш шароитидаги қарама-қаршиликни амалиётдаги педагоглар аниқлашган.

МЕТОДОЛОГИЯ

Фан ўқитишдаги интеграция бўйича уларнинг таклифи ташқи бирикиш характерга эга, аслида эса фанларни интеграциялашни чуқур методолиясосида ўтказиш зарур.

Таълимнинг интерактив курси кўрғазмали таълим системаси бўлиб, интегротив билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш асосида кўрғазмали, маҳоратни вужудга келтириш сирларини ўрганади.

Интеграцион курснинг мақсади ва вазифалари мактаб табиий-илмий таълим системасида тавсифланади. Билимнинг интеграциялашган тармоғида интеграциялашнинг усул ва воситалари: таълим режасидаги ўқитиш жойида вақтнинг ҳажмига қараб шу курсни тўла ўзлаштириш вақти ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси кўп функцияга эгаллиги билан тавсифланади.

Интеграция курси- ўқув фанларидан бири бўлиб, фанлараро билимларни (интегротив билимларни) чуқурлаштириш ва ошириш, уларни шакллантириш учун ўрганилади. У ҳар хил турлар, усуллар, услублар, фанлараро интеграция объектлари асосида тузилган. Таълим тарбия соҳасидаги тадқиқотлар бизни жисмоний ривожланиш муаммоларини янада кенгроқ кўриб чиқишга, маънавийга қўшилиш нуқтаи назаридан ечишга имкон беради. Педагогикада юзага келадиган интеграцион жараёнлар ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг тушуниши ва тартибга солиниши айниқса муҳимдир. Шу муносабат билан таълим тизимида уларнинг мазмуни ва технологиясини асоси сифатида интеграцион жараёнларнинг ташкилий ва бошқарув соҳасини ривожлантириш зарур.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, этнок маданий таълим соҳасидаги маънавий ва жисмоний маданият элементларини интеграциялашуви ўқув жараёнини ташкилий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларнинг маънавий ва жисмоний тарбияси ва таълим муассасаларида таълим вазифаларини яққалаб қўйиши билан ташкилий ва услубий жиҳатдан етарлича акс эттирилмаганлиги аниқланди.

Бунинг натижасида қуйидаги қарама-қаршиликлар юзага кела бошлади:

- барча турдаги таълим тизимларининг интеграциялашувининг мақадга мувофиқлиги ва уларни назарий асослаш ва ташкилий-педагогик қўллаб-қувватлашнинг етарли эмаслиги;

- педагогик амалиётга шахснинг ривожланишида ўзининг интеллектуал салоҳияти нуқтаи назаридан маънавий ва жисмоний сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан яратилган ёндашув;

- ўзаро боғлиқ маънавий ва жисмоний тарбия жараёнида қўллашга комплекс ёндашиш зарурлиги;

- ўқувчи шахсини яхлит шаклланишига руҳий ва жисмоний тарбияни зарурлиги ва бошқа бир қарама-қаршиликларни таъкидлаш мумкин.

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда илмий мақоланинг мақсади ўқувчилари ва талабаларининг маънавий ва жисмоний тарбия жараёнини интеграциялашуви, жисмоний тарбия ва спорт жараёнида маънавий жиҳатдан бой ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш учун ташкилий педагогик шарт шароитларни оқилона ва экспериментал тарзда аниқлаш учун модул дастур ишлаб чиқиш лозим.

Тадқиқотимизнинг объекти сифатида таълим тизимидаги ёшлар шахсини шакллантириш жараёни ҳисобланади.

Интеграциялашган дарслар болалар дунёқарашида бир бутунликни, воқеалар узвийлигини тушунишни табиатан англаб етишга ўргатади. Шунинг алоҳида ҳисобга олиш керакки, умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани Одобнома, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари каби фанларнинг интеграцион боғланишли хусусиятлари илмий жиҳатдан етарли ишлаб чиқилмаган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мавжуд турли фикрлар ва қарашлар эса бир-бирига зид ва узвий бўлмаганлиги сабабли интеграция муаммоси ҳамон олимларимиз ўртасида баҳсли масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Психологик ва педагогик фан нуқтаи назаридан маънавий ва жисмоний тарбия ва шахсий ривожланишнинг феноменини ўрганиб чиққан олимлардан Б.Г. Ананиев, Ж.К.Бабанский, В.С.Библер, П.Ф.Лесгафт ва бошқаларнинг таҳлилларига кўра, руҳий ва жисмоний маданиятнинг моҳиятини ва руҳий ва жисмоний тарбия тизимининг интеграциялашув шартлари, тамойилларини аниқлашга ёрдам беради:

- маънавий маданият-бағрикенглик, меҳр-оқибат, инсоният, адолат ва ҳалоллик ифодаси-энг юксак ахлоқий кадрятларни, моддий жихатдан маънавий манфаатларни, инсоннинг ахлоқий ва фуқаролик бурчини бажариш тушунчасини тасдиқлайди;

- жисмоний маданият шахсни жисмоний камолотга етказишнинг мотивацион-қийматига йўналитирлганлиги, фаол ўзгарувчан фаолиятнинг асоси сифатида намоён бўлади;

- маънавий билим-бу шахснинг билим, хиссий ҳатти-харакат таркибий қисмларининг яхлитлигини шакллантирийдиган ва фуқаролик камолотини, ижтимоий фаоллигини, юқори ахлоқий эҳтиёжларини, манфаатлари ва фаолиятининг сабабларини таъминловчи ижтимоий- педагогик жараён;

- жисмоний тарбия- бу инсон танасининг шакли ва функциялари, жисмоний сифатлари, ички дунёси(иродаси, характери ва бошқ.)ларнинг соғлом турмуш тарзи асосларини уйғунлаштирадиган педагогик жараён;

Илмий манбаларининг таҳлили шарқ мутафаккирлари, хориж ва ўзбек педагоглари интеграциялашган дарсларни амалиётга тадбиқ этишга ҳаракат қилганликларини кўрсатади. Таълим жараёни самарадорлигини оширадиган омиллар ичида дарсларни интеграциялашган асосда ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистонда таълим жараёнига интеграциялашган дарсларни олиб кириш долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда таълим жараёнига интеграциялашган дарсларни олиб кириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Таълим жараёнини интеграциялашган дарслар асосида ташкил этишнинг қулайлиги шундаки, унда ўқувчининг ўқув материалларини ўзлаштиришда оламни ягона бир бутунликда эканлиги, табиатдаги мавжуд ўзгаришлар бир-бири билан боғлиқликда эканлиги ҳақида таълимотга эга бўлишларига имконият яратилади. Таълим жараёнини интеграциялашган дарслардан фойдаланиш ўқувчиларни билим олишларидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, ўқувчиларни билимларини ўзлаштиришларида юқори самара беради.

Илмий таҳлил ва изланишларга таянган ҳолда ва муаммонинг ечилиши узлуксиз таълим тизими олдида турган муҳим вазифани ечишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Бунинг учун қуйидагиларни тавсия этамиз:

- бакамол авлодни шакллантиришда жисмоний ва маънавий ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш жараёнини педагогик муаммо сифатида чуқур ўрганиш ва асослаш;

- ўқувчиларни жисмоний ва маънавий- ахлоқий тарбияланг мазмуни ва педагогик-психологик хусусиятларини ишлаб чиқиш;

- ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлашнинг мақбул шакл, метод ва воситаларини аниқлаш;

- ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш.

ХУЛОСА

Юқорида баён этилган фикрлардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш жараёнини тадбиқ қилиш ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммолардан бири ҳисобланади.

REFERENCES

1. Асланов К. П., Хакимов Х. Н., Акрамова Г. М. МЕСТО ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБУЧЕНИИ СТУДЕНТОВ //Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – 2015. – №. 9. – С. 38-39.
2. Арслонов К. П., Шукуров Р. С., Хакимов Х. Н. Изучение предмета «Виды национальной борьбы и методика её обучения» с помощью инновационных технологий //Вестник по педагогике и психологии Южной Сибири. – 2013. – №. 3.
3. Arslonov Q. P., Hakimov X. N. Peculiar especially sport holidays in the life of the young generations //Europaische Fachhochschule. – 2014. – №. 3. – С. 50-51.
4. Lazizbek Olimovich Daminov and Jamoliddin Pardaboyugli Turdiev Zebo Sharipovna Tukhtaeva, Nigora Zakiraliyevna Sayfullaeva, Khurshid Nozimovich Khakimov The Importance of Game Technologies in the Training of Future Vocational Teachers on the Basis of Competent Approach// International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – №. 4. – С. 6669-6674
5. Madina Azamovna Farmonova TA'LIM UMUNDORLIGINI OSHIRISHDA MOBIL ILOVALARNING O'RNINI // Academic research in educational sciences. 2021. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-umundorligini-oshirishda-mobil-ilovalarning-orni> (дата обращения: 07.04.2021).